

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ

АЛЛАМУРАТОВА ЗИЙЎАР БАУАДДИНОВНА

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ШАРОИТИДА ТЎРТКЎЛ ҲАВЗА
ХЎЖАЛИГИ, КЎЛЛАРИ БАЛИҚ ПАРАЗИТЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Алламуратова Зийўар Бауаддиновна

Жанубий Оролбўйи шароитида Тўрткўл хавза хўжалиги,
кўллари балиқ паразитларининг экологик хусусиятлари
ва уларга қарши курашиш йўллари..... 3

Алламуратова Зийўар Бауаддиновна

Экологические особенности паразитов рыб Турткульского
прудового хозяйства, озер в условиях Южного Приаралья
и меры борьбы с ними..... 21

Allamuratova Zuywar Bauaddinovna

Farming in the Turtkul basin in the South Aral
sea region, ecological features of fish parasites
and ways to combat them..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ

АЛЛАМУРАТОВА ЗИЙЎАР БАУАДДИНОВНА

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ШАРОИТИДА ТЎРТКЎЛ ҲАВЗА
ХЎЖАЛИГИ, КЎЛЛАРИ БАЛИҚ ПАРАЗИТЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.2.PhD/B219 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.aknuk.uz) ва «Ziyo Net» Ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Курбанова Альфия Исмаиловна
биология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Жуманов Муратбай Арзобаевич
биология фанлари доктори, профессор

Алламуратов Шадымурат Туремуратович
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ургенч давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.02/30.04.2021.B.79.01 Илмий кенгашининг 2021 йил “21” 07 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлади (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Бердак шох кўчаси 41, институт кичик мажлислар зали.Тел: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99861) 222-17-44, e-mail: aknuk@mail.uz.

Диссертация билан Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (13 рақам билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2021 йил “6” 07 да тарқатилди.

(2021 йил “6” 07 даги 13 рақамли баённомаси)



Аимбетов Нагмет Каллиевич

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
Академик

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, б.ф. PhD

Жумамуратов Мырзамурат Ажимуратович
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси, б.ф.д. доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурати. Жаҳон микёсида сув экотизимларининг гидрокимёвий ўзгариши муаммоларини ҳал қилиш, дарё ва кўллар оқимини тартибга солиш, сув ҳавзаларининг экологик тозалиги ва хавфсизлигини назорат қилиш, сув экотизимларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, сув ҳавзалари паразитар ҳолатнинг балиқлар фаунасига таъсирини тадқиқ қилиш, уларнинг биохилма-хиллигини сақлаш, балиқлардаги паразитларга қарши кураш йўлларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш муҳим ўрин эгалламоқда. Шунингдек, минтақадаги сув ҳавзаларининг биологик маҳсулдорлигининг ошириш мақсадида ҳавза хўжалиги ва кўллардаги паразитлар сон популяциясининг кўпайишини чекловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёда табиий сўв ҳавзаларини ҳолатини яхшилаш, сўв экотизмлари маҳсулдорлигининг пасайиши сабабларини аниқлаш ва ундаги биологик хилма-хилликни сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб жумладан, балиқчилик хўжалиklarини ривожлантириш, балиқларда учрайдиган инвазион касалликларни кузғатувчи паразитларининг ўтмиши, бугуни ва келажаги учун профилактик кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга бағишланган кенг кўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада ҳавза ва кўл хўжалиklари ихтиопаразитофаунасини таксономик таркибини ўрганиш, уларга экологик омиллар таъсирини таҳлил қилиш, овладидиган балиқ турларини оммавий зарарлайдиган паразитлар фаунасинининг сонини чеклаш, табиий сув ҳавзаларини фойдаланиш самарасини юқорилатиш ва ихтиопаразитларга қарши курашда илмий асосланган самарали усуллардан фойдаланиш муҳим устуворлик касб этмоқда.

Республикада барқарор ривожланиш ва табиий сув ҳавзаларини биохилма-хиллигини сақлаш бўйича амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида Жанубий Оролбўйи худудидаги ҳавза хўжалиklarининг ҳолатини яхшилаш, сув биоресурсларидан оқилона фойдаланиш ва паразитофаунага қарши кураш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ "...илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмини яратиш" бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада Жанубий Оролбўйи шароитида балиқчилик ҳавзалари ва кўллар иқтисодиётини муваффақиятли бошқариш, паразитологик омилларни чеклаш, эпизоотияни ўз вақтида олдини олиш ва паразитларга қарши курашда самарали усуллардан фойдаланиш ва ишлаб чиқиш муҳим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 18 январдаги «Оролбўйи минтақасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ҳақида»ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада амалга оширилган илмий изланишлар ва тажрибалар асосида минтақанинг ҳавза хўжаликлари Амударё ҳавзаси сув омборлари паразитлари ва балиқ касалликларини ўрганиш бўйича бир қанча илмий тадқиқот ишлари Лайман Э.М., Бауер О.Н., Османов С.О (1965), Алламуратов Б.А. (1980), Бабаев Б. (1965), Ўразбоев А.Н., Юсупов О., Қараев Р., Қурбанова А. (2002), Алламуратова Г. (2011) каби олимлар томонидан амалга оширилган. Ушбу ишларнинг аксарияти ўтган асрнинг 1965-1980 йилларда амалга оширилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан В.Л.Якимов, В.Догель, Б.Быховский, Г.В.Никольский, В.Т.Остраумов, Б.Н.Казанцев, С.А.Ростовшиков каби олимлар тамонидан сув ҳавзаларидаги балиқлар маҳсулдорлигининг пасайишига таъсир қилувчи паразитлар фаунаси бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилган.

Хорижий олимлардан Одум ва Бигон, Мэгарран, Кеннеди, Гуган, Кеннеди, Буш каби олимлар тамонидан назарий ва амалий муаммоларга бағишланган кенг кўламдаги тадқиқотларни амалга ошириш, паразитларнинг биологик хилма-хилликни баҳолашда ишлатиладиган статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш, паразитлар кўплиги тарқалиш турини аниқлаш шунингдек, ўрганилаётган ҳудуд, сув омбори ёки алоҳида гуруҳ мезбонлари паразитларини ва уларга таъсир қилувчи экзоген омиллар бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Паразитлар биоценознинг табиий таркибий қисми бўлиб, экотизимларнинг турли даражаларидаги жараёнларни акс эттиради, шунинг учун паразитар жамоаларнинг тузилишини, хилма-хиллигини ва фаоллик хусусиятларини баҳолаш ва Тўрткўл ҳавза хўжалигида балиқларнинг инвазив касалликларига қарши курашишнинг энг самарали усулларини ишлаб чиқиш топиш учун ушбу хўжаликнинг ўзига хос паразитологик ҳолатини мониторинг қилишни тақоза этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ Табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФА-Ф1-Г004 «Барқарор гидрорежим ва иқлим ўзгариши шароитида Жанубий Оролбўйи табиий муҳити ва биотаси трансформациясининг динамикасини комплекс

тадқиқ қилиш» (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Жанубий Оролбўйи шароитида Тўрткўл ҳавза хўжалиги, кўллари балиқ паразитларининг экологик хусусиятларини аниқлаш ва уларга қарши курашиш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тўрткўл ҳавза хўжалиги тизимидаги ихтиопаразитларнинг тур таркиби, тарқалиши, сони ва балиқлар паразитофаунасининг хусусиятларини аниқлаш;

ўзгарувчан муҳит шароити ва иқлимлаштириш таъсирида балиқларнинг паразит фаунасининг сон динамикасини аниқлаш;

Жанубий Оролбўйи Тўрткўл ҳавза хўжалигидаги Қизил кўз балиғи човақларининг патоген паразит *Dactylogyrus nanus* билан ҳаётнинг биринчи йилдаги зарарланиш биологик кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

балиқларнинг паразитар касалликларини кўзгатувчи омилларини аниқлаш ва уларга қарши курашиш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жанубий Оролбўйи шароитидаги Тўрткўл ҳавза хўжалиги, кўллари тизимларининг балиқ паразит турлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Тўрткўл ҳавза хўжалиги тизимидаги балиқларнинг паразит фаунаси хилма-хиллиги, паразитларнинг тарқалиши ва биологик хусусиятларининг, ихтиопаразит фаунасига акклиматизация ва турли хил экологик омилларнинг таъсирини аниқлаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацион тадқиқотни бажаришда экологик (табiiй сув объектларини мониторинг қилиш), умумий паразитологик, статистик (Excel ва STATISTICA) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги кўйдагилардан иборат:

сув экотизимларининг экологик деградация жараёнларини баҳолаш учун гидробионтлар ва экологик нишаларнинг камайиши билан боғлиқ бўлган Тўрткўл ҳовуз хўжалиги тизимидаги ихтиопаразитлар сон динамикасидаги ўзгаришлар аниқланган;

ўзгарувчан муҳит шароитида Тўрткўл ҳавза хўжалиги тизимлари, Янбош-ёп канали, 4 ва 6 бўлим ҳавзалари, коллекторлар, Тўрткўл ва Келтеминар кўллари тизимидаги ихтиопаразитлар фаунасининг замонавий таксономик таркиби ва популяцион структураси очиқ берилган;

Тўрткўл тумани ҳавза хўжалигида балиқ паразитлар фаунасининг шаклланиши ва 55 турдаги паразитларнинг мавсумий ўзгаришлари аниқланган;

Тўрткўл ҳавза хўжалигининг экологик шароитида патоген паразит *D. nanus* билан ҳаётнинг биринчи йилида Қизил кўз балиғи човақчасининг зарарланишининг морфо-анатомик ва биологик кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари кўйдагилардан иборат:

Тўрткўл хавза хўжалигининг ихтиопаразитлар фаунасининг таркиби ўрганилди ва экологик-эпизоотик ҳолатни комплекс назорат қилиш, юзага келиши мумкин бўлган касалликларни прогноз қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича ўз вақтида қарши кураш йўларини ишлаб чиқилган;

Тўрткўл хавза хўжалигидаги ихтиопаразитларни ўрганиш асосида балиқларнинг паразитар касалликлари диагностикаси ва даволашнинг олдини олишни тубдан такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

Тўрткўл хавза хўжалиги экологик шароитида патоген паразит *D.nanus* билан ҳаётнинг биринчи йилидаги Қизил кўз балиғи човақчасининг максимал зарарланиш давлари аниқланган.

Тадқиқот натижалари ишончлилиги: Жанубий Оролбўйи Тўрткўл хавза хўжалиги балиқ паразитларини аниқлашда замонавий услубларни қулланилганлиги, олинган натижаларни етакчи илмий босмаларда чоп этилганлиги, давлат амалий ва фундаментал лойиҳаларни бажаришда илмий ҳамжамиятлик тамонидан тан олинганлиги, диссертациянинг илмий натижаларининг давлат органлари тамонидан тасдиқланганли ва уларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, олинган маълумотлар асосида турли экологик шароитларда Тўрткўл хавза хўжаликлари чучук сув балиқлари паразит фаунасининг миқдорий ва сифат таркибини шакллантиришни белгилайдиган экологик омиллар таҳлил қилиниши, паразитофаунаси таркибининг балиқларнинг ёш ва жинс структурасига, йил фаслига боғлиқлигини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Жанубий Оролбўйи Тўрткўл хавза хўжаликлари ихтиопаразитлар фаунаси сон динамикаси бўйича олинган маълумотларни прогноз қилиш асосида саноат мақомига балиқ турларининг инвазион касалликларига қарши кураш йўларини амалга оширишда амалий фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Оролбўйи шароитида Тўрткўл хавза хўжалиги, кўллари балиқ паразитларининг экологик хусусиятларини аниқлаш ва қарши курашиш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Тўрткўл балиқ хўжалиги хавзаларида балиқларнинг патоген ва инвазион касалликларига қарши курашиш ва сув экотизимлари деградацияси жараёнларини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл хавза балиқчилик хўжалигида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 13 октябрдаги 01/07-3-333-сон маълумотномаси). Натижада, сув экотизимлари ва паразитлар фаунасининг биоиндикациясини ўтказиш, табиий муҳит ҳолатини баҳолаш ва биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

Жанубий Оролбўйи ҳудуди қулларининг биологик хилма-хиллигини сақлаш ва ихтиофаунани муҳофаза қилишда ишлаб чиқилган тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 02/18-1-2043-сон маълумотномаси). Натижада, минтақа қулларининг ихтиофаунаси паразитларига қарши кураш ва сув экотизимларини биоиндикация қилишнинг илмий асосланган комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 7 жумладан, 3 халқаро ва 4 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, шундан 1 таси республика 3 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, 121 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва заърурати, мақсади ва вазифалари асосланган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республикамиз фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "Амударё ҳавзасидаги балиқ паразитлари ва Турткўл ҳавза хўжалиги тизимларидаги балиқ паразитларини тадқиқ қилишнинг қисқача тарихи" деб номланган биринчи бобида Қорақалпоғистондаги Амударё ҳавзаси ва ҳавза хўжалиklarининг балиқ паразит фаунаси адабиётлари кенг таҳлил қилинган ва ўрганиш ҳолати тасвирланган.

Османов (1966, 1968, 1971) ва бошқа олимлар ишларида Амударё балиқларининг паразитлари тўғрисида маълумотлар берилган, ушбу дарё балиқларининг паразитлари ҳақида материаллар У Жалилов (1966), Ашурова М (1973), Алламуратов Б (1966, 1974), Данияров М. Р. (1975) ва Қораев Р.М. (1975) меҳнатларида келтирилган.

Акклиматизация қилинган балиқларнинг паразитлари О.Н.Бауер ва Ю.А.Стрелков (1961, 1963), Б.Бабаев (1966) Амударё дельтасида, О.Юсупов (1967, 1980) томонидан Дауткўл сув омборида паразитларнинг 109 тури, С.О.Османов, А.Н.Уразбаев (1980) Қорақалпоғистон сув ҳавзаларида


паразитларнинг 79 турини топган. С.О.Османов, А.Н.Уразбаев, Е.Арыстанов (1980) Туямуюн сув омборидан паразитларнинг 147 турини топган. Сув хавзаларидаги паразитлар фаунасини ўрганишга кўплаб ишлар бағишланган. Ушбу ишлар асосан ўтган асрнинг 1960 йилдан 1980 йилларига қадар амалга оширилган. Табиийки, 1980 йилдан то ҳозирги кунгача, сув хавзаларининг ўзгарган гидро режими билан, 40 йил давомида ихтиопаразитофаунасида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Сўнгги йилларда қўйи Амударёнинг паразитлар фаунаси ва балиқлар паразитларини ўрганишга катта ҳисса қўшган Қорақалпоғистон ихтиопаразитологлари - С.О.Османов (1980), Б.Алламуратов, А.Каратаев (1987), А.И.Қурбанова (2002), Г.Б.Алламуратова (2011) ва бошқалар ҳисобланади.

Диссертациянинг "Амударё хавзасида ихтиопаразитологик тадқиқотлар материаллари, услублари" деб номланган иккинчи бобида Амударёнинг қўйи оқимининг физик-географик, гидрокимёвий ва биологик хусусиятлари, ихтиопаразитологик тадқиқот усуллари ҳақида материаллар келтирилган. Таъкидланишича, Амударёнинг қўйи оқимига Туямуюн сув омборидан Орол денгизигача жойлашган катта аллювиал текислигини киритиш қабул қилинган.

Зоопланктон Амударёнинг ўзани ва тармоғида ўчрашмайди. Қурпаз сувлари дарё ўзани ва тармоғидан ўзининг лойсизлиги ва сувининг тиниклиги билан ажралиб туради. Ушбу типтаги қўшимча сув хавзаларида зоопланктон (кладоцерлар, копеподлар) яхши ривожланади. Кўплаб ёш балиқлар ўзан ва қурпазларга озикланиш учун келишади. Сув омбори ҳудудидаги дарё оқимида 20 балиқ тури ўчирашади. Туямуюн сув омбори ҳудудида жойлашган кўллар (Тўрткўл, Келтеминар) каналлар билан чамбарчас боғлиқ ва унинг сатҳининг пасайиши билан тез қуриydi. Ички сув хавзаларининг суви 1-5 (8) г/л минерализацияга эга.

Аммо Орол денгизининг қуриган тубидан тузларнинг кучли шамол туфайли учиб келиши сабабли сульфатлар ва хлоридлар концентрациясининг ошиши атмосферада ва дарё оқимларида, шунингдек паразитологик омиллар (1-расм). Тўрткўл хавзасида қимматбаҳо балиқ турларини етиштиришга салбий таъсир кўрсатади. Тадқиқотлар 2017-2021 йилларда амалга оширилди.

Текширилган балиқ турлари Л.С.Берг (1949), Г.К.Камилов (1964), И.М.Мирабдуллаев, У.Т.Мирзаев, В.Н.Хегай (2001) бўйича аниқланди. Тўпланган материалларга ишлов бериш умум қабул қилинган паразитологик усуллари В.А.Догель (1933), А.П.Маркевич (1950), Э.М.Ляйман (1966), И.Е.Быховская-Павловская (1952, 1960) ва бошқалар бўйича қайта ишланди.



1-расм. 27.05.2018 йилдаги тузларнинг шамол ёрдамида кўтарилиши спутника NOAA-19 синтезланган (1-3 канали) расм (www.econews.uz)

Диссертациянинг «Тўрткўл балиқчилик ҳавза хўжалиги тизимидаги балиқ паразитларининг систематикаси» деб номланган учинчи бобида, кўлмак Тўрткўл ҳавза хўжаликлари ва кўллари тизимидаги балиқларнинг паразит фаунасининг замонавий таркиби келтирилган.

Ҳаммаси бўлиб текширилган 949 дона балиқлардан 55 турдаги паразитлар топилган, шу жумладан: Янбош-ёп каналида - 29 тур, 4 ва 6 бўлим ҳавзаларида - 55 тур, коллекторларда - 23 тур, кўлларида: Тўрткўл - 13 тур ва Келтеминар - 11 тур мавжуд. Тизимли равишда топилган паразитлар 13 синф ва шаклга киради: 1) Flagellata (6 тур), 2) Sarcodina (1 тур), 3) Sporozoa (1 тур), 4) Cnidosporidia (3 тур), 5) Microsporidia (1 тур), 6) Cilata (30 тур), 7) Dermocystidium (1 тур), 8) Monogenoidea (19 тур), 9) Cestoidea (2 тур), 10) Trematoidea (1 тур), 11) Nematoda (1 тур), 12) Hirudinea (1 тур), 13) Crustacea (3 тур). Топилган паразитлар ичида тур таркибинининг хилма-хиллиги бўйича моногенетик сўрувчилар синфи хосдир (19 тур топилган).

У асосан ўзига хос турлар билан ифодалангани, фақат айрим *Dactylogyrus vastator*, *D. anchoratus* ва бошқалари 2 та хўжайинда аниқланган. Энг кўп сонли патоген *Dactylogyrus* (19 тур) туркуми бўлди. Оддийлардан энг кўп тури паразит инфузориялар бўлиб - 20 тур, улардан 10 тури *Trichodina* туркумига мансуб. Кўпгина паразитлар учун турли хил органеллаларни ўлчаш натижалари адабиётда келтирилган (Чучук сув балиқлари паразитларини аниқлагичлар, I том, 1984 ва II том, 1985). Умумий диагностика қиймати, шунингдек тарқалиши ҳақида маълумотлар, ҳаётий

цикллари ва патоген таъсирлари тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Биз топган паразитларнинг аксарияти Ўзбекистоннинг чучук сув ҳавзаларида кенг тарқалган. Биринчи марта Марказий Осиё сув ҳавзалари учун бир қатор турлари (*Hemiophrus branchiarum*, *Scyphidia donecuae*, *Apiosoma baninae*). Аниқланган паразитлар орасида ҳавзаларда ҳам, табиий сув ҳавзаларида ҳам хавfli балиқ касалликларини кўзгатувчиси сифатида танилган турлар мавжуд. Улардан *Costia necatrix*, *Eimeria carpelli*, *Glugea luciopercae*, *Myxobolus muelleri*, *M.pfeiferi*, *M.cyprini*, *Ichtyophthirius multifiliis*, *Apiosoma carpelli*, *Trichodina nigra*, *Dactylogyrus vastator*, *D.extensus*, *Gyrodactylus elegans*, *Bothriocephalus opsarichthydis*, *Ligula intestinalis*, *Diplostomum spathaceum*, *Piscicola geometra*, *Argulus foliaceus* ва бошқалар.

Тўрткўл ҳавза хўжалиги балиқларда учрайдиган паразитларнинг аксарияти Янбош-ёп каналидаги балиқларда ҳам топилган. Сув, балиқ ва оралиқ хўжайинлари бўлган жойда улар сув ҳавзаларига кириб бориши мумкин, бу балиқларни кўпайтириш тадбирларни амалга оширишда ҳисобга олиниши керак. 2017-2021 йилларда Ўрта Осиёнинг экологик шароитида Тўрткўл балиқчилик хўжалигининг стационарида сув ҳавзаларида Қизил кўз балиғи личинкаси ҳаётнинг биринчи йилида, патоген паразит *Dactylogyrus nanus* билан зарарланиш динамикасини ўрганиб чиқдик. Личинка олди даврининг 1-5 кунлари, яъни 1-5 апрел кунлари зарарланиш экстенсивлиги 8,0% ни, интенсивлиги 1-1 донани ташқил этти, 90 кунлик (28-30 июн кунлари) човағининг зарарланиш экстенсивлиги 68% га ошган, зарарланиш интенсивлиги 1-21 дона, 28-30 декабр кунлари зарарланиш экстенсивлиги 12,0% га, зарарланиш интенсивлиги 1-8 дона. 20-30 январ кунлари Қизил кўз балиғи човағининг зарарланиш экстенсивлиги 8,0% гача камайди, интенсивлиги 1-3 дона, феврал ойида Қизил кўз балиғи човағининг патоген паразит *D.nanus* билан зарарланиш экстенсивлиги 4,0% га камайди ва интенсивлиги 1-1 донага тенг бўлди. 2019 йил 28-30 март кунлари Қизил кўз балиғининг 13 ойлик (1+) чавоқларининг зарарланиш экстенсивлиги 30,0% га, интенсивлиги 1- 15 донага тенг бўлди.

Ҳозиргача Ўрта Осиёнинг экологик шароитида Қизил кўз човағининг тўлиқ ривожланиш босқичи ўрганилмаган. Шунинг учун Қизил кўз балиғининг бир йилгача бўлган човағининг патоген *D.nanus* паразити билан зарарланиш қолган ойларини тадқиқ қилишни учта мавсумий босқичга ажратдик: куз, қиш ва баҳор.

Диссертациянинг "Тўрткўл ҳавза хўжалиги тизимидаги қимматбаҳо ва кам қийматли балиқларнинг паразитофаунасини экологик таҳлили" деб номланган тўртинчи бобида сув ҳавзаларида айрим балиқ турларининг паразит фаунаси ҳақида умумий маълумот берилган ҳамда Тўрткўл ҳавза тизимида балиқларнинг паразитофаунаси шаклланишининг баъзи масалалари таҳлил қилинган. Жами 949 дона балиқ текширилиб, шундан 350 донасининг (13 турдаги балиқ) зарарланганлиги маълум бўлди (2-жадвал).

1- жадвал
Түрткүл хавза хўжалыгн тизимда турли гурухдагн паразит турлари сонн ва зарарланган баликларнинг экстенсивлыгн

Паразит номн	Янбош-ёл канали			4,6 бўлим хавзаларн			Коллекторлар			Турткүлкүли			Калтамнноркүли			Жамн							
	Эрилгани-208		Эрилгани-306		Эрилгани-210		Эрилгани-75		Эрилгани-150		Эрилгани-949		Зарарлангани-27		Зарарлангани-350								
	Дона %	Сон тербаниши Ками Кўли	Дона %	Сон тербаниши Ками Кўли	Дона %	Сон тербаниши Ками Кўли	Дона %	Сон тербаниши Ками Кўли	Дона %	Сон тербаниши Ками Кўли	Дона %	Сон тербаниши Ками Кўли	Дона %	Сон тербаниши Ками Кўли	Дона %		Сон тербаниши Ками Кўли						
1. Хивчинлар	-	-	6	1,9	1	18	-	-	1	0,3	1	5	-	-	6	0,6	1	18					
2. Саркодаллар	1	0,5	1	0,3	1	6	-	-	-	-	-	-	-	-	2	0,2	1	6					
3. Споралилар	1	0,5	1	0,3	1	8	1	0,5	1	0,3	1	3	2	1,3	1	2	0,6	1	8				
4. Кндоспоридиялар	2	1,0	1	1,0	1	7	1	0,5	1	2	-	-	-	-	6	0,6	1	7					
5. Микроспоридиялар	-	-	1	0,3	1	5	-	-	-	-	-	-	-	-	1	0,1	1	5					
6. Кирпикчали инфозориялар	4	1,9	1	5	15	4,9	1	18	4	1,9	1	5	3	4,0	1	2	28	2,9	1	18			
7. Дермоцистидиум	-	-	1	0,3	1	3	-	-	-	-	-	-	-	-	1	0,1	1	3					
8. Ясннчувалчанлар	21	10,1	1	5	22	7,2	1	18	15	7,1	1	3	7	9,3	1	71	7,5	1	18				
8.1. Моногенялар	17	8,2	1	5	19	6,2	1	16	12	5,7	1	3	4	5,3	1	55	5,8	1	13				
8.2. Цестодлар	2	1,0	1	2	2	0,6	1	5	2	0,9	1	3	2	2,7	1	10	1,0	1	5				
8.3. Тремотодлар	1	0,5	1	3	1	0,3	1	7	1	0,5	1	3	1	0,3	1	1	0,1	1	3				
9. Нематогельминглар	1	0,5	1	1	1	0,3	2	3	1	0,5	1	3	-	-	4	0,4	1	3					
10. Зуликлар	-	-	1	0,3	1	3	-	-	-	-	-	-	-	-	1	0,1	1	3					
11. Қискичбако симонлар	-	-	3	1,0	1	3	1	0,5	2	2	1	2	1	0,3	1	6	0,6	1	3				
Жамн	29	13,9	1	5	55	63,1	1	18	23	10,9	1	5	13	17,3	1	7	11	7,3	1	131	13,8	1	18

Шундан, 4 ва 6 бўлим сув ҳавзаларида текширилган балиқларнинг 63,1% зарарланган, Янбош-ёп каналида 22,6%, коллекторда-26,7%, кўлларда: Тўрткўл-36,0% ва Келтеминар-8,0% ни ташкил этди. Бош сони бўйича зарарланиш ҳолатлари - сазанда (20,0-86,7%), карпда (20,0-60,0%), Туркестан мўйлобдорида (30,8-85,0%), Қизил кўзда (20,0-86,7%), Оқча балиқда (10,0-81,0%), оқ амурда (26,6-83,3%), Кумуш тавонбалиқ (16,7-60,0%), лаққада (13,3-61,1%), слада (18,4-61,1%), оқ дўнг пешонада (20,0-60,0), чипор дўнг пешонада (15,4-37,5%). Амур чобакчаси (12,3-33,3%), Қиррақорин (13,3-40,0%), Кўзли тахирбалиқ (13,3-46,7%) балиқларида паразитофаунаси турлари бир мунча паст бўлди.

Тўрткўл ҳавза хўжалиги тизимида балиқларининг паразитлари билан зарарланишининг тур таркиби, экстенсивлиги ва интенсивлиги бир хил эмас, бу биотик (тур таркиби, сони, оралиқ хўжайинларнинг тур таркиби, сони ва стационар тарқалиши ва бошқалар) ва абиотик (оқим тезлиги, ҳавзаларининг газ, сув, туз режими ва бошқалар) омиллар билан боғлиқ. Тўрткўл ҳавза ва кўл хўжаликлари сув билан таъминлаувчи каналларида балиқларнинг паразитлар фаунасини ўрганиш нафақат амалий, балки катта назарий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, атроф-муҳит шароитининг ўзгаришига қараб балиқларнинг паразитлар фаунасининг шаклланиш жараёнини ўрганишга имкон беради.

Туямуюн сув омбори ташкил этилгандан сўнг Амударёнинг қуйи оқимида ва Тўрткўл сув ҳавзаси тизимида балиқларнинг паразитофаунаси таркибида содир бўлган ўзгаришларга аниқлик критилди.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг ишларида Амударё сув омборларининг балиқ паразитофаунасини ўрганишга бағишланган. Ушбу ишлар ўтган асрнинг 1960 йилдан 1980 йилларига қадар амалга оширилган. Масалан, ўзининг ва бошқа адабиётларида келтирилган маълумотларга асосланиб С.О.Османов (1980) Туямуюн сув омборидаги балиқларда 141 паразит ихтиопаразитофаунасида сезиларли ўзгаришлар юз берган. Туямуюн сув омбори балиқларида фақат 55 турдаги паразитлар аниқланган. Бизлар балиқлар паразитофаунасининг бирлашиши ушбу минтақадаги сув организмларининг бирлашиши билан боғлиқ эканлигини аниқладик.


Айниқса, ушбу ўзгаришлар Сазан ва баъзи бошқа турдаги балиқ паразитофаунасида катта ўзгаришлар юз берди.

Түрткүл баликчилик хўжалиги сув хавзасида ихтиопаразитология текширилган балик турлари ва сони

№	Балик турлар	Еритилинган	Зараланган	%	Шундан														
					Янбош ет	Зараланган	%	4,6 бўлим хавзалар	Зараланган	%	Коллекторлар	Зараланган	%	Түрткүл кўл	Зараланган	%	Каттамычор кўл	Зараланган	%
1.	Орол кизилкўзи - <i>Rutilus rutilus aralensis</i> (Berg)	75	34	45,3	15	3	20,0	15	13	86,7	15	5	33,3	15	7	46,7	15	6	40,0
2.	Ок амур - <i>Stenopharyngodon idella</i> (Valenciennes)	49	24	48,9	15	4	26,7	18	15	83,3	16	5	31,2	-	-	-	-	-	-
3.	Туркистон мўйлабдори - <i>Lisiochthys variegata</i> Kessler	49	27	55,9	16	6	37,5	20	17	85,0	13	4	30,8	-	-	-	-	-	-
4.	Оқча балик - <i>Abramis brama orientalis</i> (Berg)	83	29	34,0	15	4	26,7	21	17	81,0	17	5	29,4	-	-	-	30	3	10,0
5.	Кумуш тоналбалик - <i>Sarassus auratus gibelto</i> (Bloch)	80	24	30,0	15	3	20,0	20	12	60,0	15	4	26,7	-	-	-	30	5	16,7
6 ^a .	Сазан-Сургиш саргио (Linne)	75	32	42,7	15	4	26,7	15	13	86,7	15	7	46,7	15	5	33,3	15	3	20,0
6 ^b .	Қадимги карп - <i>Syrpinus carpio</i> (Linne)	48	18	37,5	13	3	20,0	20	12	60,0	15	3	20,0	-	-	-	-	-	-
6 ^c .	Сазан (бахор, ёз, куз, киш)	60	36	-	-	-	-	60	36	60,0	-	-	-	-	-	-	-	-	-
7.	Қиррақорин - <i>Hemiculter leucisculus</i> (Basilewskiy)	75	20	26,7	15	3	20,0	15	6	40,0	15	4	26,7	15	5	33,3	15	2	13,3
8.	Амур чебакчаси - <i>Pseudorasbora parva</i> (Temminck et Schlegel)	75	17	22,3	15	2	12,3	15	5	33,3	15	3	20,0	15	4	26,7	15	3	20,0
9.	Оқ дўнпешона - <i>Hyporhamichthys molitrix</i> (Valenciennes)	50	18	36,0	15	3	20,0	20	12	60,0	15	3	20,0	-	-	-	-	-	-
10.	Чипор дўнпешона - <i>Hyporhamichthys nobilis</i> (Richardson)	41	10	24,4	12	2	16,7	16	6	37,5	13	2	15,4	-	-	-	-	-	-
11.	Кўзли тахрбалик - <i>Rhodeus ocellatus</i> (Kner)	75	23	30,7	15	2	12,3	15	7	46,7	15	5	33,3	15	6	40,0	15	3	20,0
12.	Лакка - <i>Silurus glanis</i> (Linne)	64	20	31,2	16	4	25,0	18	11	61,1	15	3	20,0	-	-	-	15	2	13,3
13.	Оқ сла - <i>Lisioptera liscioptera</i> (Linne)	50	18	36,0	16	4	25,0	18	11	61,1	16	3	18,7	-	-	-	-	-	-
	Жами	949	350	36,9	208	47	22,6	306	193	63,1	210	56	26,7	75	27	36,0	150	27	18,0

Түрткүл балкччилик хўжалиги сув хавзасида ихтиопаразитологик текширилган балк турлари ва сони

№	Балк турлар	Ериги	Заралган %	Шулдан											
				Янбош ер	Заралган %	4,6 булим хавзалари	Заралган %	Коллекторлар	Заралган %	Түрткүл кўл	Заралган %	Каттаинор кўл	Заралган %		
1.	Орол кизилкўзи - <i>Rutilus rutilus aralensis</i> (Berg)	75	34 45,3	15 3	20,0	15	13 86,7	15 5	33,3	15 7	46,7	15 6	40,0		
2.	Ок амур - <i>Stenopharyngodon idella</i> (Valenciennes)	49	24 48,9	15 4	26,7	18	15 83,3	16 5	31,2	-	-	-	-		
3.	Туркистон мўйлабдори - <i>Licistiobarbus capito conocephalus</i> Kessler	49	27 55,9	16 6	37,5	20	17 85,0	13 4	30,8	-	-	-	-		
4.	Окча балк - <i>Abramis brama orientalis</i> (Berg)	83	29 34,0	15 4	26,7	21	17 81,0	17 5	29,4	-	-	30 3	10,0		
5.	Кумуш товандалк - <i>Saraxinus auratus gibelio</i> (Bloch)	80	24 30,0	15 3	20,0	20	12 60,0	15 4	26,7	-	-	30 5	16,7		
6 ^a .	Сазан-Сургилис саргио (Linne)	75	32 42,7	15 4	26,7	15	13 86,7	15 7	46,7	15 5	33,3	15 3	20,0		
6 ^b .	Қадимги карп - <i>Surginus sargio</i> (Linne)	48	18 37,5	13 3	20,0	20	12 60,0	15 3	20,0	-	-	-	-		
6 ^c .	Сазан (бахор, ёз, куз, киш)	60	36 -	-	-	60	36 60,0	-	-	-	-	-	-		
7.	Қырақорин - <i>Hemiculter leucisculus</i> (Basilewskiy)	75	20 26,7	15 3	20,0	15	6 40,0	15 4	26,7	15 5	33,3	15 2	13,3		
8.	Амур чебакчиси - <i>Pseudorasbora parva</i> (Temminck et Schlegel)	75	17 22,3	15 2	12,3	15	5 33,3	15 3	20,0	15 4	26,7	15 3	20,0		
9.	Ок дўнгпешона - <i>Hyporhamphichthys molitrix</i> (Valenciennes)	50	18 36,0	15 3	20,0	20	12 60,0	15 3	20,0	-	-	-	-		
10.	Чипор дўнг пешона - <i>Hyporhamphichthys nobilis</i> (Richardson)	41	10 24,4	12 2	16,7	16	6 37,5	13 2	15,4	-	-	-	-		
11.	Кўзл тахбалк - <i>Rhodeus ocellatus</i> (Kner)	75	23 30,7	15 2	12,3	15	7 46,7	15 5	33,3	15 6	40,0	15 3	20,0		
12.	Лакка - <i>Silurus glanis</i> (Linne)	64	20 31,2	16 4	25,0	18	11 61,1	15 3	20,0	-	-	15 2	13,3		
13.	Ок сла - <i>Lisioferca lisioferca</i> (Linne)	50	18 36,0	16 4	25,0	18	11 61,1	16 3	18,7	-	-	-	-		
	Жами	949	350 36,9	208 47	22,6	306	193 63,1	210 56	26,7	75 27	36,0	150 27	18,0		




2-расм. Тўрткўл ҳавза балиқчилик хўжалиги тизимларида зарарланган балиқлар (% ҳисобида)

Сазан - Амударё бассейни ва Тўрткўл ҳавза хўжалиги тизимидаги энг қиммат баҳоли балиқлардан бири ҳисобланади. Турли хил сув ҳавзаларида ва турли мавсумларда 75 донаси текширилиб, шундан Янбош-ёп каналида - 15 дона, 4 ва 6 бўлим ҳавзаларида - 15 дона, коллекторларда - 15 дона, Тўрткўл кўлида - 15 дона, Келтеминар кўлида 15 дона. Сазан балиғида аниқланган 14 тур паразитлардан зарарланиши 20-86,7% ташқил этиб, шундан 4 ва 6 бўлим ҳавзаларида энг кўп тарқалгани патогенли - *Eimeria carpelli* (13,3-53,3%), *Jchthyophthirius multifiliis* (13,3-60,0%), *Apiosoma piscicolum* (73,3), *Trichodina nigra* (26,7-66,7%), *Dactylogyrus vastator* (6,7-80,0%), *D.extensus* (6,7-53,3%), *Bothriocephalus opsarichthydis* (20,0-53,3%) ва бошқаларда кузатилди.

Янбош-ёп, коллекторлар, кўлларда Сазан балиғининг паразитлар билан зарарланишининг тур таркибининг экстенсивлиги ва интенсивлиги бир хил эмас, бу ўз навбатида биотик ва абиотик омилларга боғлиқ (оқим тезлиги, сув лойқаланиши, сув омборларининг газ ва туз режими ва бошқалар).

Умуман олганда, Тўрткўл ҳавза хўжалиги тизимида балиқларнинг паразитофаунасининг шаклланишини кузатиш натижаларида, яъни сўнги 40 йил давомида Амударёнинг қуйи қисми Қорақалпоғистон жанубида, балиқларнинг паразитофаунаси сезиларли даражада камайиб кетган. Бу бир қатор абиотик омилларнинг таъсири билан, яъни оқим, сув сатҳининг ўзгариши, сувнинг тез-тез ўзгариши, лойланиш ва балиқ паразитлари учун ноқулай шароит яратадиган бошқа атроф-муҳит омиллари билан боғлиқ эканлигини курсатади.




3-расм. Тўрткўл ҳавза балиқчилик хўжалиги шароитида ёш балиқ чавоқларининг паразитлар билан зарарланишининг мавсумий динамикаси

Паразитлар фаунасидаги мавсумий ўзгаришларни аниқлаш, паразитлар биологиясини чуқурроқ англашга, уларнинг фаоллик ва сонининг усишини ҳамда ушбу географик минтақада энг юқори хавфли даврларни белгилашга имкон беради. Бу ўз навбатида соғломлаштириш чораларини режалаштириш учун аҳамиятли ҳисобланади.

Баҳор ва кuzда балиқларнинг *Eimeria carpelli* паразити билан зарарланиши (66,7%) ва (60,0%), *Ichthyophthirius multifiliis* (73,3%) ва (60,0%), *Dactylogyrus vastator* (66,7%) ва (53,3%), *Gyrodactylus elegans* (46,7%) ва (33,3%), *Bothriocephalus opsarichthydis* (40,0%) ва (26,7%) ни ташкил этади. Сазан кuzда 73,3%, қишда 26,7% паразитлар билан зарарланган.

Кuzда сазан балиғи 73,3%, қишда эса 26,7% балиқларнинг зарарланиши кўзатилади (4-расм). Балиқларда *D.vastator* паразитининг кенг тарқалишига қарамадан, Тўрткўл ҳавза хўжалиги балиқлари човағининг ушбу паразитдан ўлиш ҳолатлари кuzатилмади, биз бу ҳолатни ёзда (53,3%) ва қишда (26,7%) сув ҳавзаларида сувнинг шўрланишига боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Сазан балиғининг паразитлар билан зарарланиши бир қанча паст бўлиб, буни ёзда сув ҳароратининг кўтарилиши, қишда сув ҳароратининг пасайиши ҳамда балиқларнинг семизлигининг пасайиши билан деб ҳисоблаймиз.

Балиқ касалликларига қарши курашнинг ҳозирги ҳолати, яъни уни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларнинг бир хиллиги эпизоотик занжирни узишга қаратилган бошқа тадбирлар комплексини амалга оширишга тўсқинлик қилади.




4-расм. Тўрткўл ҳавза балиқчилик хўжалиги балиқларининг паразитлари билан зарарланиш динамикаси (% ҳисобида)

Ёш чавоқларни узок вақт боқиш (4-5 ой), баъзида ўстиришининг айрим вақтларида озуканинг етишмаслиги, ҳавзаларга балиқ киритиш ва уларни овлаш балиқларнинг жароҳатланишга, баъзида ўстириш ҳавзаларида сув оқимининг етишмаслиги касалликларнинг пайдо бўлишига ва соғламлатириш учун шарт-шароитларни яратади. Бундай шароитда балиқларнинг оммавий касалликларини олдини олиш учун маълум бир паразитологик вазиятни билишга асосланган "паразит-хўжайн-ташқи муҳит" тизимининг барча бўғинларига йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуаси талаб қилинади.

Балиқ касалликларига қарши кураш, авваламбор, касал кўзгатувчининг сув омборига тушишини олдини олиш ёки унинг сонини камайтириш, хўжайин организмнинг ҳимояланишни кучайтириш, касалликларнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган шароитларни яратишга қаратилган бўлиши заърур. Шартли равишда кўрашиш чоралари - умумий, махсус ва ташкилий турларга бўлинши мумкин. Балиқ касалликларини назорат қилиш бўйича умумий чора-тадбирларга балиқларни етарли даражада боқиш ва бой табиий озик-овқат базасини яратиш, сифатли балиқ етиштириш ишларини юритиш, сув ҳавзаларини яхши санитария ва балиқ етиштириш шароитида сақлаш, "бегона" кам баҳоли балиқлар билан курашиш, ҳавзаларда балиқларни ҳаддан зиёд зичлигини олдини олиш, паразитларнинг оралик ва дефинитив хўжайинлари (моллюскалар, балиқларни истеъмол қиладиган қушлар ва бошқалар), ҳавзалардан балиқ овлаганда ва кўчирганда жароҳатланишини камайтириш, човақ балиқларни хўжаликларда боқиш вақтини қисқартириш, хўжаликта озук базаси ва гидрокимёвий режимни

доимий назорат қилиш, шунингдек балиқларнинг ҳолати ва бошқаларни ҳисобга олиш зарур.



5-расм. Жанубий Орол ҳавзалари сувининг ифлосланишинига балиқларнинг зарарланишининг боғлиқлиги

Эслатма: 1-Янбош-ёп канали; 2-хўжаликнинг 4 бўлими; 3-хўжаликнинг 6 бўлими; 4-коллектор; 5-Тўрткўл кўли; 6-Келтаминор кўли

Махсус кураш чоралари, айрим касаллик кўздирувчиларига қарши махсус воситалар ва усулларни қўллашга, балиқларнинг умумий ва ўзига хос қаршилигини ошириш орқали кўзгатувчиларни йўқ қилишга (ёки уларнинг сонини камайтиришга) қаратилган. Балиқ касалликларига қарши курашиш учун махсус чораларни қўллаш истисно қилмайди, аксинча, умумий профилактик чора-тадбирларга риоя қилишни талаб қилади. Балиқчилик амалиётида бу кўпинча эътиборга олинмайди ҳам айрим бир воситалар ёрдамида хўжаликни соғламлантириш учун ҳаракат қиладилар. Бу ўз навбатида кўтилган натижага олиб келмаслиги мумкин. Бир вақтнинг ўзида бир нечта бўғинларига, яъни "паразит-хўжайин-ташқи муҳит" тизимида қаратилган қарши комплекс чора-тадбирларни қўллаш орқали балиқ касалликлари билан самарали курашиш мумкин.

«Жанубий Оролбўйи шароитида тўрткўл ҳавза хўжалиги, кўллари балиқ паразитларининг экологик хусусиятлари ва уларга қарши курашиш йўллари» мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

ХУЛОСАЛАР

1. Ўрганилган балиқларда 13 синф ва шакллarga мансуб 55 турдаги паразитлар топилди: хивчинлилар - 6 тур, саркодалилар -1, споралилар -1, книдоспоридиялар -3, микроспоридиялар-1, киприкчали инфузориялар -20, дермоцистидиум -1, моногениялар -19, цестодалар -2, трематодалар -1, нематодалар -1, зулуклар -1, қисқичбақасимонлар -3 тур. МДХ давлатлари фаунаси учун биринчи марта 3 тур, Ўзбекистон учун биринчи марта 5 тури қайд этилди. Амударёнинг қуйи оқимидаги сув омборлари учун биринчи марта 8 тури қайд этилган.
2. Янбош-ёп каналида -13,9%, ҳавза хўжалигининг 4 ва 6 бўлим ҳавзаларида -63,1%, коллекторларда -10,9%, кўлларда: Тўрткўл-17,3%, Келтеминар-7,3% балиқлари зарарланган. Биз текширган барча балиқ турларининг вакиллари паразитлар билан зарарланган.
3. Тўрткўл ҳавза хўжалиги шароитида - Сазанда (20,0-86,7%), Карпда (20,0-60,0%), Орол қизилкўзда (20,0-86,7%), Оқ амурда (26,7-83,9%), Туркестон мўйловдорида (30,8-85,0%), Оқча балиқда (10,0-80,9%), Кумуш товонбалиқда (16,7-60,0%), Оқ дўнгпешонада (20,0-60,0%), Лакқада (13,3-61,1%), Оқ слада (18,7-61,1%), Қиррақоринда (13,7-40,6%), Кўзли тахрбалиқда (13,3-46,7%), Чипор дўнгпешонада (15,4-37,5%), Амур чебақчасида (13,3-33,0%) паразитофаунасининг шаклланиши аниқланди.
4. Аниқланган 20 турдаги патоген паразит инфузориялар ичида 10 тури триходина авлодига мансуб, бундан ташқари Тўрткўл ҳавза хўжалиги тизимида таркиби жиҳатидан хилма-хил турга эга бўлган, яъни моногенетик сўрувчи синфига мансуб 19 турдаги паразитлар аниқланди.
5. Апрель ойининг бошида патоген паразит *D.nanus* билан Орол қизилкўз балиғи човағининг зарарланиш экстенсивлиги 8,0% ни ташкил этган бўлса, июн ойи оқирида зарарланиш экстенсивлиги 68,0% га ошди, декабр ойининг оқириги кунларида зарарланиш экстенсивлиги 12,0% га, интенсивлиги 1-3 дона, февралнинг оқирида зарарланиш экстенсивлиги 4,0% гача, интенсивлиги 1 донага тенг бўлди.
6. Амударё қуйи оқими Тўрткўл ҳавза хўжалигида олиб борилган таҳлил натижаларида сазан балиғининг паразитлар билан мавсумлар кесимида умумий зарарланиши, паразитлар сони ва турлари ўзгариб туради. Сазан балиғининг паразитлар билан энг юқори зарарланиши баҳорда (86,7%) ва кузда (73,3%) қайд этилган бўлса, ёзда (53,3%) ва қишда (26,7%) паразитлар билин зарарлиниши нисбатан паст бўлиши аниқланди.
7. Тўрткўл ҳавза хўжалиги тузилиши ва ҳажми жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, балиқ касалликларини кўзгатувчиларига қарши кураш чоралари ишлаб чиқилди ва бу касалликларнинг олдини олишга, уларни йўқ қилишга ёрдам беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.04.2021.В.79.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК**

**НУКУССКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
АГРАРНОГО УНИВЕРСИТЕТА**

АЛЛАМУРАТОВА ЗИЙЎАР БАУАДДИНОВНА

**ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПАРАЗИТОВ РЫБ
ТУРТКУЛЬСКОГО ПРУДОВОГО ХОЗЯЙСТВА, ОЗЕР В УСЛОВИЯХ
ЮЖНОГО ПРИАРАЛЯ И МЕРЫ БОРЬБЫ С НИМИ**

03.00.10 – Экология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Нукус -2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2020.2.PhD/B219

Диссертация выполнена в Нукусском филиале Ташкентского государственного аграрного университета

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.aknuk.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet».

Научный руководитель:	Курбанова Альфия Исмаиловна кандидат биологических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Жуманов Муратбай Арепбаевич доктор биологических наук, профессор Алламуратов Шадымурат Туремуратович кандидат биологических наук, доцент
Ведущая организация:	Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится «21» 07 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.04.2021.B.79.01 при Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук (Адрес: 230100, г. Нукус, Проспект Бердаха, 41, малый конференц-зал института). Тел.: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99871) 222-17-44, e-mail: aknuk@mail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук.

Автореферат диссертации разослан: «6» 07 2021 г.
(реестр протокола рассылки № «13» от «6» 07 2021).



Аимбетов Нагмет Каллиевич
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
Академик

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению
ученых степеней, PhD б.ф.

Жумамуратов Мырзамурат Ажимуратович
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.б.н., доц.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире уделяется особое внимание проблемам совершенствования водных экосистем, проведение контроля за экологической чистотой и безопасностью водоемов, регулирования течений рек и озер, решение проблем гидрохимического изменения водных экосистем. Особенно, исследование влияния паразитарного состояния водоемов и их влияния на ихтиофауну, сохранение их биоразнообразия, разработка и развитие способов борьбы против паразитов рыб занимает важное место. Поэтому с целью повышения биологической продуктивности водных объектов вопросы разработки мероприятий ограничивающих размножения численности популяций паразитов в озерах и прудовых хозяйствах имеет важное значение.

В мире проводятся широкомасштабные научные исследования, направленные на улучшение состояния природных водоемов, изучение причин снижения продуктивности водных экосистем и вопросы сохранения биологического разнообразия, в том числе уделяется особое внимание развитию рыбоводческих хозяйств, разработки профилактических мероприятий против встречающихся инвазионных заболеваний рыб в прошлом, настоящем и будущем. В этом направлении изучение таксономического состава ихтиопаразитофауны в прудовых и озерных хозяйствах, проведение анализа влияния на них экологических факторов, ограничение численности фауны паразитов, массово зараженных промысловых видов рыб, повышение эффективности использования природных водоемов и применение научно обоснованных методов борьбы против ихтиопаразитов приобретает важное значение.

В республике на основе программных мероприятий, проведенных по устойчивому развитию и сохранению биоразнообразия естественных водоемов проводится ряд научных исследований по улучшению состояния прудовых хозяйств, рационального использования водных биоресурсов и разработка мероприятий борьбы против паразитофауны в регионе Южного Приаралья.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ определены важные задачи "... по созданию эффективных механизмов по внедрению научных и инновационных достижений". Поэтому успешное управление экономикой рыбоводства в озерах и водоемах, ограничение паразитологических факторов, разработка и применение эффективных методов борьбы против паразитов и своевременное предупреждение эпизоотий в условиях Южного Приаралья указывает на актуальное важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики

¹ Указ Президента Республики Узбекистана ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире уделяется особое внимание проблемам совершенствования водных экосистем, проведение контроля за экологической чистотой и безопасностью водоемов, регулирования течений рек и озер, решение проблем гидрохимического изменения водных экосистем. Особенно, исследование влияния паразитарного состояния водоемов и их влияния на ихтиофауну, сохранение их биоразнообразия, разработка и развитие способов борьбы против паразитов рыб занимает важное место. Поэтому с целью повышения биологической продуктивности водных объектов вопросы разработки мероприятий ограничивающих размножения численности популяций паразитов в озерах и прудовых хозяйствах имеет важное значение.

